

## ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТЛАРДА ИНШООТЛАРНИ ИШЛАТИШ

- **Довул шамоли:** Довул шамоли асосан босимли қияликлар мустаҳкамлигига салбий таъсир этувчи омил ҳисобланади. Довул шамоли сувда тўлқин ҳосил қилиши натижасида босимли қияликларнинг ювилиши, ўпирилиши, бузилишларига олиб келади. Ҳосил бўлган тўлқинга қарши тўлқин сўндирувчи чора-тадбирлар қўлланиши керак. Сув сатҳи тушганидан ёки довул шамоли тўхтагандан сўнг зудлик билан босимли қияликларнинг мустаҳкамлигини кузатиб чиқиш ва босимли қияликларнинг қопламалари остидаги ювилган ёки чўккан жойларни таъмирлаш лозим.
- **Қишқи режими:** Андижон сув омбори иншоотларини қиш шароитида ишлатиш ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, унда музлашга ва муз оқимларининг пайдо бўлишига қарши курашилади. Музлаш жараёнларининг эрта-кеч бошланиши ноябр-феврал ойларига, эриши январ-март ойларига тўғри келади. Қаттиқ қиш мавсумида сув юзаси музлаган вақтда сув омборининг сув сатҳини муз билан қопланган сатҳдан юқори кўтариш тавсия этилмайди. Сув омборида музлаш жараёни бошланганда сув сатҳи 904,0 м ва ундан юқори сатҳда бўлса зудлик билан сув омборидаги сув сатҳини пасайтириш керак. Сув омбори сув сатҳини туширишда босимли қияликларнинг бузилиб кетмаслиги учун сув омбори сув сатҳини тушириш тезлиги меъёрлар даражасидан ошмаслигини таъминлаш лозим. Сув омборидаги музлар эригандан сўнг сув омбори сув сатҳини кўтариш мумкин.
- Қорадарёда муз парчалари оқими келганда уларни сув омбори ҳавзасида ушлаб қолиш керак, акс ҳолда бу муз парчалари аста-секин чўкиб дарё ўзани тарафга тушади, натижада сув ўтказиш иншооти олдидаги панжараларга, қўйи бьеф дарвозаларига тиқилиб қолади.
- Сув омбори иншоотлари муз парчалари, чиқиндилар билан тўлиб қолмаслиги учун иншоотларда кузатувчилар томонидан доимий кузатувлар олиб бориб туриши зарур. Тўғон асосидан бўладиган фильтрация сувларини дренажларда музлашига йўл қўймаслик учун иншоотни сомон, шох-шабба, қор ва бошқа нарсалар билан ўраш лозим. Қиш даврида сув омборини ишлатишда ва барча иншоотларнинг меъёрий ишлашини таъминлаш учун кеча-кундузли навбатчиликни ташкил этиш керак.